

## **IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ**

2018 йил январь-мартда вилюятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1746,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 230,2 фоизни ташкил қилди.

### **Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
--	----------	-----------------	----------------------

<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>1746,4</b>	<b>230,2</b>	<b>100,0</b>
--	---------------	--------------	--------------

*шу жумладан*

<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>1210,2</b>	<b>382,7</b>	<b>69,3</b>
бюджет маблағлари	6,2	5,8	0,4
давлат мақсадли фонд маблағлари	7,5	54,2	0,4
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фонди маблағлари	-	-	-
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	243,6	303,4	13,9
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	953,0	821,5	54,6
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>536,2</b>	<b>123,2</b>	<b>30,7</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	325,9	124,7	18,7
аҳоли маблағлари	57,9	61,9	3,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ( бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар қўшилган ҳолда)	46,5	416,9	2,7
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	103,9	194,6	6,0

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 1611,9 млрд. сўми ёки 92,3 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 134,5 млн. сўм ёки 7,7 фоизи ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди.

### **2018 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>1746,4</b>	<b>513,6</b>	<b>1232,8</b>
<i>ишу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
курилиш-монтаж ишлари	36,1	19,9	42,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	29,3	76,1	9,7
Бошқа ҳаражатлар	34,6	4,0	47,4

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 20,2 фоизли пунктга камайган, машина-ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 0,7 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 19,5 фоизли пунктга кўпайган.

### **2018 йил январь-март ойларида асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



## **Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2018 йил январь-мартда умумий майдони 79,8 минг кв.м. бўлган 486 та (2017 йил январь-маргта нисбатан 86,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 62,1 минг кв.м. (93,1 фоиз) 412 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 99,8 млрд. сўми ёки 74,2 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 4,5 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,7 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 9,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 6,9 фоизини ташкил қилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-мартда 349,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 112,0 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари ҳажми 106,4 млрд.сўм (жами қурилиш ишлари ҳажмининг 30,4 фоизи)ни ёки ўсиш суръати 239,9 фоизни ташкил килиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 157,3 фоизли пунктга кўпайди.

Ушбу кўрсаткич ижобий прогнозларда бажарилиги айrim туман(шаҳар)ларда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан йирик қурилиш пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 89,6 млрд.сўм (йирик пудрат корхоналари томонидан бажарилган қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 84,2 фоизи)ни, ўсиш суръати 319,1 фоизни ташкил этди.


**2018 йилнинг январ-мартида шахар(туман)лар кесимида қурилиш ишлари  
ҳажми қўйидагича ифодаланади**

	Жами		<i>Шу жумладан</i> <i>Худудий қурилиши-пудрат</i> <i>ташкilotлари</i>	
	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Ўсиши</i> <i>суръати,</i> <i>фоизда</i>	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Ўсиши</i> <i>суръати,</i> <i>фоизда</i>
<b>Вилоят жами</b>	<b>349,8</b>	<b>112,0</b>	<b>106,4</b>	<b>239,9</b>
<i>шаҳарлар</i>				
Навоий ш.	71,9	84,6	12,3	240,9
Зарафшон ш.	101,2	285,2	89,6	319,1
<i>туманлар</i>				
Кармана	32,3	69,3	2,4	50,9
Конимех	6,6	126,6	-	-
Қизилтепа	57,4	97,1	2,1	87,2
Навбаҳор	22,4	86,5	-	-
Нурота	19,9	119,8	-	-
Томди	0,5	38,3	-	-
Учқудук	4,5	68,8	-	-
Хатирчи	33,1	103,3	-	-

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики 2018 йил январь-март ойларида энг кўп қурилиш ишлари Зарафшон шаҳри (вилоятнинг умумий ҳажмидан 28,9 %), Навоий шаҳри (20,5%), Қизилтепа тумани (16,4 %), Хатирчи тумани (9,5%), ва Кармана туман (9,3%)ларидаги корхоналар томонидан бажарилган бўлиб юкоридаги туманлар улуши вилоятдаги қурилишнинг асосини ташкил этмоқда.

Бунга асосий сабаб ушбу худудларда йирик пудрат ташкilotлари ҳамда кичик бизнес бошқа худудларга нисбатан анча ривожланганлигидадир.

**2018 йилнинг январ-мартида шаҳар (туман)лар кесимида ахоли жон бошига қурилиш ишлари (минг сўмда)**



**Қурилиш ишлари ҳажмининг таркибий тузилмаси**




Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 245,2 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 70,1 фоизини ташкил қилди ва ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,1 фоиз пунктига камайди.

Ҳисобот даврида бу кўрсаткич Кармана тумани қурилиш ишлари ҳажмида 92,7 фоизни (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 3,1 фоизга кўпайди), мос равища бу кўрсаткич Қизилтепа туманида - 100,0 фоизни ташкил қилди.

Нодавлат мулкчилик шакллари таркибидаги хўжалик бирлашмалари мулки асосида 130,8 млрд.сўм, фуқаролар хусусий мулки 109,5 млрд.сўм, бошқа мулкчилик шакллари бўйича 4,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

2018 йил январь-мартида Давлат мулки асосидаги қурилиш корхоналари томонидан эса 104,6 млрд.сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

### **Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 84,2 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 8,7 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 7,1 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

Шу жумладан умумий ҳажмдан 77,7 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга 22,3 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.